

**Ихтисослаштирилган таълим муассалари агентлиги
хузуридаги Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
_____ -сон баёни**

2023 йил 22 август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Д.Хатамова – Кенгаш раиси

Қатнашдилар:

С.Шакирова, И.Омонова,
Р.Казаков ва бошқалар

КУН ТАРТИБИ:

**Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги янги
ихтисослаштирилган мактабларга 2023-2024-ўқув йилига тайёргарлик
жараёнларини сифитли ташкил етиш масалалари тўғрисида**

(Хатамова, Омонова, Хатамова)

Йиғилишни Кенгаш раиси Д.Хатамова кириш сўзи билан очди. Унда Агентлик тизимида ташкил этилган ихтисослаштирилган мактабларда янги ўқув йилининг бошланиш жараёнларини сифатли ташкил етиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2022 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-106 сон Фармони қабул қилинганлигини;

мазкур Фармон асосида 2023-2024-ўқув йилида 168 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилганлигини;

ушбу мактабларнинг бир қисми мактаб-интернатлари бўлиб, уларда ётоқхона ҳам мавжудлигини, қолган ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилари уйдан қатнаб ўқишлари учун мўлжалланганлигини;

ихтисослаштирилган мактабларга 2023/2024-ўқув йили учун хужжатлар қабул 1 июндан — 30 июнга қадар онлайн шаклда ariza.pitma.uz сайти орқали амалга оширишини таъкидлаб ўтди.

2023-2024-ўқув йилида Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларининг:

-аник фанлар йўналишига 5-11 синфларига;

-табiiй фанлар йўналишига 7-11-синфларга қабул бўлиб ўтади.

Шунингдек, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларга педагог-кадрларни саралаб олиш мақсадида Агентлик томонидан танлов эълон қилинади.

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланган мактабларнинг очилиш маросимлари бўлиб ўтиши режалаштирилган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ўз якунига етмаган таълим муассасаларида эса ўқув йилининг бошланиши график асосида амалга оширилади.

Шунингдек, кун тартибига қўйилган масала юзасидан Кенгаш аъзолари —ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилган ҳолда йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Агентлик тизимидаги мактабларда янги ўқув йилнинг бошланишига оид долзарб масалалар юзасидан аҳоли хабардорлигини ошириш, кенгроқ тарғиб этиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

2.Агентлик раҳбариятидан Жамоатчилик кенгаши томонидан билдирилган фикрларнинг инобатга олиниши сўралсин.

3.Агентликнинг Ахборот хизматига мактаблардаги қурилиш-таъмирлаш ҳамда очилиш жараёнларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

4.Жамоатчилик кенгашининг йил якунига қадар режалаштирилган йиғилишлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу йиғилишдаги қарорлар очик овоз бериш йўли билан қабул қилинди, "Қаршилар" ва "бетарафлар" бўлмади.

Кенгаш котиби



И.Омонова

ИЛОВА

**Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг сентябрь-декабрь ойларида
ўтказилиши кўзда тутилган йиғилишлари**

РЕЖАСИ

№	Режалаштирилган йиғилиш мавзуси	Муддати
1	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги идоравий мансуб ташкилот ва муассасалар фаолияти билан кенг жамоатчиликни таништириш.	сентябрь
2	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ўқув-методик қўлланмаларни кенг жамоатчиликка таништириш.	ноябрь